
Фурқат тумани спортчилари "Қўл жанги" бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида 4 та медални, Taekwondo WT тури бўйича вилоят чемпионатида 6 та медалларни қўлга киритишди

Қуни кеча Термиз шаҳри мезбонлигида ўсмирлар ўртасида спортнинг ҚЎЛ ЖАНГИ тури бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада жами мингдан зиёд ёш спортчилар қатнашиб, ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Мазкур мусобақада вилоятимиз спортчилари 7 та олтин, 4 та кумиш, 8 та бронза медалларини қўлга киритиб, мамлакат миқёсида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Туманимиз спортчилари 3 та олтин ва 1 та бронза медалларини қўлга киритди.

Шунингдек, Фарғона шаҳри Само спорт мажмуасида спортнинг Taekwondo WT тури бўйича вилоят чемпионатида Фурқат тумани Спорт мактаби Taekwondo бўлимнинг "РАСУЛОВ" жамоаси ҳам муносиб қатнашиб, 1 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза медалларини қўлга киритди. Ушбу спортчилар 14-19 ноябр кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган Taekwondo WT тури бўйича Ўзбекистон чемпионатида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Қўл жанги бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида ғолиб бўлган спортчи ёшлар: Акмалжон Аъзамов, Азизбек Абдужабборов, Доноҳон Носировалар ??? олтин, Абдуҳалил Мағрупов бронза???? медалларини қўлга киритдилар.

Taekwondo WT бўйича вилоят чемпионатида ғолиб бўлган спортчи ёшлар: Абдулазиз Эркинов????олтин, Жаҳонгирмирзо Турғунов ???кумуш, Асрор Расулов, Юсуфбек Юнусов, Нусратбек Юнусов, Сарвинозхон Аҳмаджоновалар эса ???бронза медаллари соҳиби бўлдилар.

Фурқат тумани ҳокимлиги ушбу спортчиларни эришган муваффақиятлари билан самимий қутлаб, кейинги мусобақаларда ҳам совриндорлар қаторида бўлишларини тилаб қолади.

2023-11-08 09:08:42